

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Олий ва урта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон «Бизнесфонди» бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа таъсисчиларнинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, уларга юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етиштирилишида кўп қиррали ёрдам курсатиши унинг дастурий вазифаси қилиб белгиланганлиги таъкидлансин.

3. Жамғарма узини ўзи мустақил бошқарувчи, маблаг билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма Ўзбекистонда «Камолот» буюқ давлат барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ёшлар қалбида миллий маънавиятни, маданий меросимиз ва умминсоний қадриятлар заминига соғлом руҳ ҳамда дунёқарашни шакллантиришдек хайрли ишни мақсад қилиб қўйилганлиги эътиборга олинсин.

Жамғарма қўйилганлиги у фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланган эътиборга олинсин:

— ёшларни ижтимоий ҳаётдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бош конституциявий ҳуқуқларининг тўла амалга оширишлари учун зарур шарт-шароит яратиш;

— ёшларнинг тарбиясига тааллуқли кенг қамровли ишларни амалга оширишда давлат идоралари, муассасалар, меҳнат жамоалари, илмий ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, жамоат арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ёшларда умминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни тақомиллаштириш асосида баркамол маънавий ҳислатлар, юртга муҳаббат, ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига қўмаклашиш;

— ёшларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини улаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам курсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

5. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятида иштирок этиш республика жамоатчилигининг, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар, жамоат арбоблари, ёшлар мураббийлари, юрт оқсоқолларининг ватанпарварлик бурчи эканлиги таъкидлансин.

6. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очик эканлиги эътиборга олинсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрида жамғарманинг бўлиmlарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

8. Жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадига унинг устив доирасидаги фаолияти бўйича солиқлардан 5 йил муддатга озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Камолот» жамғармасининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 17 апрель.

ФРАНЦИЯ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Париждаги Халқаро дипломатия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти китобини Франция оммавий ахборот воситаси вакиллари таништириш ва тақдим этиш маросими мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси билан Халқаро дипломатия академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Париждаги энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маросимда ушбу китоб Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи арафасида нашрдан чиққани алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акмал Саидов сўзга чиқди.

(ЎЗА).



Комсомолобод туманидаги А. Иминов номи хўжаликда чигит экиш қизғин тус олган. Шу жумладан, 320 гектар майдонга пайка остига «Фаргона-3» нави экилади. Маъруф Азимов, Зухриддин Йўлдошев, Обиджон Алижонов, Фазмишдин Нуралиев каби тажрибали деҳқонлар экиш мавсумида намуна бўдилар.

СУРАТДА: хўжаликда ерларга уруғлик қадаш пайти.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат. (ЎЗА).

Шу сонга хабар ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Жорий йилда Қашқадарё вилояти пахтакорлари давлатга 420 минг тонна оқ олтин сотишни ният қилишган. Айни пайтда чигит экиш ишлари уюшқоқлик билан давом этаётди. Вилоятда 2900 та экиш саяжаси юқори унум билан ишлатилмоқда.

Фузур туманида бу борада ибратли ишлар қилинаётди. Пахтакорлар қисқа вақтда 12300 гектар ерга чигит қадашни вилоятда биринчи бўлиб адо этишди. 10 иш кунда чигит уяларига ташланди.

— Туман далаларида гуза-

рининг «Юлдуз» ва «Бухоро-6» навлари жойлаштирилди. — дейди вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Шомурод Сатторов. — Фузурликлар жорий йилда 28 минг тонналик пахта хирмони ни тиклашни ният қилишган.

Экиш мавсумини сифатли утказишда туманининг «Янгикент», Мели Раҳмонов номи Абдулла Турсунов номи жамоа-ширкат ҳужаликлари намуна бўлишди. Улугбек номи жамоа ширкат ҳужалигида бу йил 640 гектар ерга пахтанин «Юл-

дуз» нави экилди. Туманда 190 та чигит экиш механизмидан тулиқ фойдаланилмоқда.

Вилоятнинг Қамаш, Чирокчи, Яккабоғ туманларида ҳам чигит экиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу йил вилоятда 173 минг гектар майдонга уруғликнинг тезлаш навларини қадаш асосий вазира қилиб қўйилган.

Шавкат СУЛТОНОВ.
«Кишлоқ ҳаёти»
мухбири.

ларни йўқотиш зарур. Чунки улар эрта баҳордан бегона ўтларда ривожланиб ва қўлайиб дала ичига кириб боради.

Кўраш ишлари кузатув-назорат натижасига асосан олиб борилиши лозим. Бунда зараркунандалар сони иқтисодий зарар келтириши мезонига етганида утказилади. Масалан, шира битлари гуза ниҳоллик даврида 10—15 фоиз, шоналаш фазасида 50—60, ургимчаккана эса ниҳоллик даврида 5-7, шоналашда 10 ва ҳосил йилнинг даврида 20-25 фоиз миқдо-

рида зараркунандалар гузага трипсларнинг жиддий зарар етказганини кузатилади. Шу сабабли кузи бошқоқли гадалан сунг чигит екиладиган жойларда, айниқса, республика миқданинги жанубий вилоятларида бундай майдонларда ҳам кузатув-назорат ишларини кучайтириш жоиз. Шу билан бирга гуза майдонларида яқин булган бўлдозорларда трипсларга қарши кураш чораларини утказиш зараркунанданин тарқалишини олдини олади.

Баҳорнинг бир кунини йилга татийди, дейдилар. Бу йил кулланнинг серетин келиши унинг ҳар бир ганимат дақиқасидан унумли фойдаланишга деҳқонни даъват этаётди. Шунингга бугунги дилаги ният эртага амалга олади, кулланган ҳосил унади.

Буни чуқур ҳис этган Поп тумани миришкорлари баҳорги экиш ишларини жалал олиб бориб, сабзавот экишини тугалладилар. Ту-

Далалардан дараклар ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

маннинг ҳамма ҳужаликларида эртаги картошка, қарам, пиез, сабзи уруғликлари жойлаштирилди. Бу иш «Дустлик», «Сирдар», «Поп», Беруний номи, А.Худойберганов номи, Ш.Мирсултонов номи ҳужаликларида сифатли бажарилди.

Қўшгина майдонларда уруғ-

лик бир текис унди. Ниҳолларни парваришда қизғин киришилди. Шунингдек, туманда 40 минг тонна бошқоқли лон, салкам 45 минг тонналик оқ олтин хирмони кутариш учун попликлар астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Галлазорлар меъериди озиклантирилди, қондириб сугорилди. Чигит экиш ишлари ҳам жадал давом этаётди.

Р. АБДУЛҲАЕВ

АГРОФИРМА ИМКОНИЯТДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНЯПТИМИ?

Бекобод туманида қишлоқ ҳужалиқчилик иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хом ашёни дастлабки қайта ишлайдиган корхоналар куриш, тайёр маҳсулотни бозорга олиб чиқиш мақсадига 1994 йил июнь ойида агрохизмат уюшмаси урнида «Зафар» агрофирмаси ташкил этилди. Унинг таркибида тумандаги барча ҳужалиқлар, 2 та пахта тозалаш заводи, вино ишлаб чиқариш кичик заводи, лаборатория кичик заводи, фирма малакали мутахассислар билан мустаҳкамланди. Бундай иш юритиш уз самарасини бера бошлади.

Утган йили қўшгина соҳаларда силжиш бўлди, шу жумладан, пахта тайерлаш бўйича режа 102 фоизга удаланди. Тумандаги мавжуд 16 та ҳужалиқнинг 11 тасида тошпирик орғини билан бажарилиди. Утган йили агрофирма 80 миллион сумлик тулов воситаси сифатида вексел чиқариб, уз иқтисодиётини бирмунча мустаҳкамлашга эришди.

Айни пайтда туман ҳужалиқларида чигит экиш қизғин давом этаётди. Тажрибали деҳқонлар уруғликни вақтида қадар, уни ернинг намини ундириб олиш учун бор имкониятдан фойдаланмоқдалар. Мавсум олдилан

серҳосил, эртапишар навлар танлангани анча қўл келди. Биз утган йилда ҳужалиқлар қанча даромад олганлиги, у нималарга сарф бўлганлиги, ишчиларнинг турмуш шароити билан танишдик. Баъзи жамоалар режани удалаган бўлса-да, йилни арзимаган фойда билан ақушлади. Бунинг асосий сабаби етиштирилмаган хом ашёнинг таннархи қимматлашиб кетгани. Йил давомида сарфланган иш кучи, енидги, минерал ўғит, техника воситалари таннархнинг ошишига сабаб бўлди. Деҳқон йил давомида далада филокорона меҳнат қилди, лекин кулланган даромадини ололмади. Бунинг сабабларидан бири туманда хом ашёни дастлабки қайта ишлайдиган корхоналарнинг деярли йўқлигидир.

Агрофирма ташкил қилингандан кейин ҳам бу борада бирон-бир иш қилинмаган. Наҳотки, мутасадди раҳбарлар фақат хом ашё етиштириш билан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, туқинликка эришиш мумкин, деб уйланди.

Туман қишлоқ ҳужалиқи кўп тармоқли. Бу ерда пахтадан ташқари сабзавот, мева, узум ва бошқа унлаб маҳсулотларни етиштириш мумкин. Демак, унлаб қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилса бўлади. Агар шундай қи-

линса олинаётган даромад миқдори кескин ошиши шубҳасиз.

Шундай экан, имкониятдан оқилона фойдаланиш, талбиркорлик, удабурунлик билан иш юритишни йўлга қўйиш керак.

Асосий оғирликни техника зиммасига юклаган, унга суянган деҳқонгина кулланган мақсадига эришмади. Беш йил бўлдики, биронта ҳужалиқ янги техника сотиб олгани йўқ. Айни пайтда сув ва ҳаводек зарур булган қўшгина хайдов тракторлари эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли бекор турибди. Қатор ораларига шилбо берилган баъзи тракторларга ҳам эҳтиёт қисмлар етишмайди.

Агрофирма раҳбарлари айни пайтда чет эл фирмалари билан хом ашёни дастлаб қайта ишлайдиган кичик завод, цехлар куриш тўғрисида шартномалар тузиш устида иш олиб борилаётганлигини айтишди. Бу иш қўллаб-қувватлашга арийдиган, албатта. Лекин бундай талбирларни тезлаштириш, бор имкониятлардан оқилона фойдаланиш керак. Давр, бозор иқтисодиётининг талаби шундай...

Х. КАРИМОВ,
«Кишлоқ ҳаёти»
мухбири.

ҲОСИЛНИ ЗАРАРКУНАНДА, КАСАЛИК ВА БЕГОНА ЎТЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Мутахассис тавсияси

ридаги гуза зарарланса, уларга қарши кимевий кураш чоралари утказилиши мақсадга мувофиқдир.

Гуза ниҳоллик даврида трипе ва шира битлари жиддий зарар етказиши мумкин. Уларга қарши етказишга таъсир этувчи БИ-58 дориси гектарига 1,5—2,5 литр еки данитодан 1—1,5 литр берилди, бўлмаса Нурели-Д 1,5 литр еҳул золон 2,5—3 литр ҳисобиди ишлатилади.

Бу ишлов ургимчаккананин ҳам биринчи авлодларига қарши яхши самара беради. Шира битларига қарши фойдали хашаротлардан олтинкуз-ни эрта баҳорда дала четлари ва пайкаларга катта ешадиларини гектарига 150—300 талдан тарқатиш керак. Шира битлари гуза ниҳолларининг кучли зарарланган пайкаларга карбонинли бир фойдали эритмаси билан ишлов бериш тавсия қилинади.

Утган йили Андижон вилоятининг бир қатор ҳужалиқларида жавдардан сунг пахта

Кейинги йилларда Андижон, Наманган, Фаргона, Сирдаре ва Тошкент вилоятлари ҳужалиқларида ургимчаккананин тарқалиб, сезиларли зарар келтириш ҳоллари қайт этилмоқда. Ургимчаккана тарқалиши хавфи мавжуд дала атрофида тут дараклари эртакор кесиб олиниб, дала четлари гектарига 25—30 килограмм олтинкузурт билан чанглатилиши ИСО (оҳақ-олтинкузурт қайнатмаси)ни Бо ме даражаси бўйича 0,5—1 фоизли эритмасини пурқаш тавсия этилади.

Ургимчакканана қарши кураш олиб бориладиган кимевий дориларни алманштириб ишлатишга эътибор бериш лозим. Чунки зараркунанда авлодларида пестицидларга нисбатан кункиш хусусияти пайдо бўлади. Шунинг учун биринчи ишловда етказиш таъсир қилувчи БИ-58 дорисидан гектарига 1,5—2,5 литр еки золон 2,5—3 литр ишлатилади. Иккинчи ишловда олтинкузурт

ли бор. Бу зараркунандага қарши кимевий кураш чоралари бир квадрат метр сатҳда 0,2—0,4 дона ва ундан кўп қурт бўлганда утказилиши керак. Шунингдек, трихограммалар кенг фойдаланиш мумкин. Трихограммани капалаклар туҳум қўйишни бошлагани билан гектарига 200 минг дона ҳисобиди беш кун оралатиб уч марта, биринчи мартада 60 минг, иккинчисида — 80 минг ва учинчисида 60 минг дона қўйилади.

Қусак курти ҳам ҳосил орталарида жиддий зарар етказиши мумкин. Қусак чоралари вақтида олиб бориладиган хосининг 20—30 фоизгача нобуд қилади. Ҳар бир курт 15—20 тагача шона, гуд ва қусакни зарарлайди. Жорий йилда бу зараркунанда 700—750 минг гектар майдонда тарқалиши кўтилмоқда. Шунинг учун ушбу майдоннинг 80 фоиз қисмида биологик усулда кураш утказиш мўлжалланмоқда.

Кичик ешдаги куртларга

ридаги биологик усул қўлланилмаган майдонларда Цимбуш дориси билан гектарига 0,3 литр еки суми-альфа 0,5 литр, данитог 2 литр, кинмике 0,6 литр, каратэ 0,5 литр, арриво 0,3 литр екин деси 0,7 литр ҳисобиди берилди. Бир вақтининг узиде қусак курти, ургимчаккана ва оққанот, шира битлари билан зарарланган гуза пайкаларида етказиш таъсир қилувчи талестар 0,6 литр еки золон 2,5—3 литр ҳисобиди ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари ҳужалиқларида кейинги йилларда гуза оққаноти кенг тарқалиб, экинга жиддий зиен келтирмоқда. Айниқса, август-сентябрь ойларида қупайган пайтларда улар чигити билан пахта толаси ифлосланаётди. Ҳар бир тумандаги мавжуд биологик лабораторияларда оққанотни 85—90 фоиз йўқотилиши инқаризия кушандисини эрта баҳорда етарлича қупайтириб июнь-июль

ойларида ешасига далаларга тарқатиш керак.

Кимевий ишловларга эса талестар дорисидан гектарига 0,6 литр, урнига айлауд 0,5 килограмм, нурели-Д 1,5 литр, алмираб 0,5—0,6 литр, маврик 0,5 литр, деси 0,7 литр, суми-альфа 0,5—0,6 литр ишлатиш тавсия этилади.

Бундан ташқари агротехника тадбирларини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, вертициллез ва фузаридо сулғишга қарши гуза-бедо, гуза-галла экинлари алмашлаб экишни жорий этиш, гузапоқ қондиқларини йўқотиш, тупроқни юмшатиш, қўлгамадан енгил сугориш, маҳаллий ва минерал ўғитларни меъериди бериш самараси юқоридир.

Вилт касаллиги ривожланиш даврида карбомид ўғитининг 1 фоизли эритмаси еки деразол дорисидан гектарига 2 литр пурқаш керак. Ҳар бир ҳужаликка бегона ўтлар пайкалма-пайкал тарқалганлиги ва турини ҳисобга олган ҳолда керакли герибицидларни қўллаш муҳимдир.

Бир йиллик, икки паллали ва галласимон бегона ўтларга қарши курашда пенитран (стомп) гербициди гектарига 3,6 литр, урнига нитран (трефлан) 3,5—8 литр (сешилганда тупроққа аралаштирилиши лозим), қоторан 1,5—3 килограмм, прометрин (гезогард) 3-5 килограмм ҳисобиди экин билан бир вақтда еки ниҳоллар унуб чикқунчи ишлаш тавсия қилинади.

Бир йиллик ва кўп йиллик галласимон бегона ўтлар тарқалган пайкаларда эса фозил-супер 1-2 литр е бўлмаса зелек 2-4 литр миқдориде улар усин даврида (2-6 та бағр пайдо бўлганда) пурқалиши талаб этилади.

М. РАШИДОВ,
К. БОБОБЕКОВ,
биология фанлари
номзадлари,
О. ИСОКОВ.

ҲАМЖИҲАТЛИК, ФИДОЙИ МЕҲНАТ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

БОЙЛИКЛАРИМИЗ ХУМОРИ ТУТАЯПТИ

И.АЛЛАЕВ,
пахтакор

Чудда пахта етиштиришнинг ўзи бўлмади. Бироқ ўзбек деҳқони садақатда ягона. Етмиш йил мобайнида не-не қийинчиликларга дош бериб, вақти келса роҳат-фароғатдан, соғдиқдан кечиб бўлса-да режани бажаришга ҳаракат қилдик. Бироқ таажубки, Москвадаги кабинетларда оқ олтинга куйилган нарх халқаро нархлардан юзлаб баравар кам бўлганини билмаган эканмиз. Демак, кул бўлиб яшамиз. Президентимиз Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувида сузлаган нутқида таъкидлаганидек, республика мустақилликка эришганидан кейингина маълум бўлдики, Ўзбекистон валюта олтини ишлаб чиқариш бўйича СССР таркибидан Россиядан кейин иккинчи ўринни, жаҳон бўйича эса еттинчи ўринни эгаллаб турган экан.

Москвадаги сайловли ўйинларининг моҳиятини яхши англаб олдик. МДХ доирасидаги айрим давлатларнинг раҳбарлари ўз халқини фаровон ҳаётга элтадиган йулдан етаклаб кетолмадилар. Бизга маълум ва номаълум булган сабабларга кура улар боши берк кучага кириб қолишди. Шунда таъна-дашномлардан чўчиб, муаммоларни қимларингидир ҳисобдан ҳал қилишга уриниб интеграцияни уйлаб топилди. Энг содда одам ҳам яхши тушунади: интеграция тарафдорлари аввало бизнинг пахтамиз, олтинимиз каби бебаҳо бойликларимиз зарур. Уларсиз аҳолининг анча танг бўлиб қолди. Масалан, Россиянинг Иваново вилоятидаги Ўзбекистон пахтаси ҳисобига ишлайдиган туқимачилик саноати корхоналари бутунги кунда тола сотиб олиш учун маблағи йўқлиги туфайли ишламаяпти. Яна бир масала бизни хайратлантирди: «Известия» газетаси сўзганидек, утган йили Ўзбекистондан етказиб берилган пахта толасининг асосий қисми Россия ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилди. Демак шу йул билан Россиядаги айрим тузилмалар мумай йул ишлаб олишди. Бойликларимизнинг хумори тутаятганини энди аендик.

Собик СССР даврида биз 30-40 фоиз дотация асосидаги давлат бюджетига ҳамда собиқ Иттифоқдаги энг паст турмуш даражасига эга эдик. Шундай бўлса-да, бизни боқимандаликка айблаб, хурлаб келишди. Ана энди савол туғилади: соғлом ақлга эга булган киши юртимизга ана шундай даврлар қайтиб келиши, марказдан туриб бойликларимизга хужайинлик қилиниши, халқимиз тақдирини ўз биланларича ҳал қилувчи қарорлар қабул қилиниши билан келиша оладими? Асло!

Сирдарё туманидаги И. Каримов номи хужайинимиз чўқувларни Россия Думасининг сайловли ўйинларига фидойий меҳнат, ташаббускорлик билан жавоб бермоқдалар. Бу йил гектаридан 34-центнердан пахта, 40 центнердан галла олиш учун астойдил ҳаракат қалаймиз. 70 йил мобайнида пахта етиштириб бйримиз икки бўтмали. Мустақиллик туфайлигина асрий оғзуларимиз ушалмоқда. Илгор жамоамизимиз 1995 йил якунига кура иш ҳақининг бир сўмига беш сўмдан кўшимча олишди. Демокриманки, чул бойликлари энди Ватанимизга, узимизга буярапти.

НОЧОРЛИК БЕЛГИСИ

И.ГАЛИУЛИН,
курувчи

МДХ мамлакатларидаги айрим раҳбарлар турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги ташаббусларни кутариб чиқишни олат қилишди. Энг қизиғи улар ўз республикаси номидан эмас, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришаётгани қизиқ. Бунинг сабаблари жуда кўп. Президентимиз Исрол Каримов Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда давлатлар уртасидаги интеграция ва кооперация асослангани лозим булган бепта шартини лунда баён этиб берди. Уларнинг мағзини чақиб узимча фикр қилимиз: демак, ута фаолилик курсатаётган арбоблар ўз фуқаролари ва жамоатчилиқнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиб, бошқа йул тополмасдан буткул ноқорликдан интеграция сари талпиниб қолишди. Миллионлаб ўзбекистонлик фуқаролар фикрига ҳамоманг бўлиб, қатъий шўндай деймиз: интеграция деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатилган, зуравонлик усуллари бизга мутлақо тўтри келмайди.

Равшанки, собиқ Иттифоқ мавжуд булган даврда бирон пех, корхона қуриш учун ялиниб-ёлвориб Москвадан руҳсат олиш керак буларди. Хурлик туфайли кушлаб кўшма корхоналар, цехлар, устаконалар бунёд этилди. Хусусан Бухородаги «20-трест» ҳиссадорлик жамиятини олайлик. Иқтисодий қийинчиликларни енгиш учун иккиламчи ишлаб чиқариш йула қуйилди. Аниқроғи йилига 10 миллион сўмлик қурилуш материаллари ишлаб чиқариш қувватига эга булган комбинат имконияти кенгайтирилди. Материаллар бунёд

Президент Исрол Каримовнинг Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувида сузлаган нутқида Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродаси ифодаланган

корлик ишларини жонлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Иноқ жамоа Куйимзор массивида йилига 20 миллион гишт ишлаб чиқарилган заводни ўз кучи билан бунёд этишти. Бундан ташқари Бухоро нефтин қайта ишлаш заводи қурилишида фаол иштирок қилапти. Қурилиб турибдики, самарали ишлаш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, янгиликларни кенг жорий қилишга барча имкониятлар яратилган.

Интеграция тарафдорлари ўзларига юз берган танглик вазиятининг, одамлар ночор аҳволга тушиб қолганининг асосий сабаби бир вақтлар гўят қудратли булган Иттифоқ республикалари уртасидаги иқтисодий ва ҳужалик алоқаларининг узил-қолганидир, деб барчани ишонтиришга уринишмоқда. Баъзи содда кишилар бунга ишонмаяпти ҳам. Ҳаётнинг ўзи яққол курсатиб турибди, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидagi давлатлар иқтисодиетидаги таназзулнинг асосий сабаби юрбошимиз таъкидлаганидек, аввало умри тууган тоталитар мафқуранинг маъмурий-бўйрўқбозлик ва марказдан тақсимлаш тузумининг бузиб ташланиб, янги бозор муносабатларига ҳозир бутун дунёда амал қилинаётган эркин иқтисодиетга утиш эканлигидир.

«БУЮК МАҚСАД» ОРТИДА НИМА ЯШИРИНГАН?

К. ПОЙ,
етақчи мутахассис

Вақт — бош ҳакам. Бир вақти келиб МДХ доирасидаги давлатларнинг баъзи раҳбарлари ҳозиргидек талвасага тушиб қолдилар, деб кўнчилик уйламаган бўлса керак. 1991-1992 йиллардаги суверенитетлар сарҳудини даврида МДХ халқлари улашилган ваъдалар амалда бажарилмапти. Векеелар ҳамда илгари олинган мажбуриятлар бўйича туловлар пайти келган бўлса-да, кўнчилик бунинг ушласидан чиқолмапти. Оқибат натижада одамларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Шундан утмишни қўмсапш қайфияти келиб чўкди. Вазиятдан фойдаланган аввало коммунистлар, социал-ватанпарварлар ҳамда «Буюк Россия» сингари жаннатни ваъда қилаётган шовинистик руҳдаги унсурлар халқлар кўйинини пуч еноққа тулганмоқда. Луканов, Литачев каби утмишдаги мафқурачиларнинг «Буюк мақсад» лари ортида нима яширинганини халқимиз яхши англамоқда. Президентимиз Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувида сузлаган нутқида бу муҳим масалани янада ойдинлаштириб берди. Ниятлари битта, қандай бўлмасин СССРни имкон қадар тезроқ қайта тиклаш, тизгинини қўлга олиб, бойликларимизга бошқатдан эга булиш. Хатто жаноб С. Кургиян матбуотга эълон қилган мақоласида «Буюк мамлакатни қайта тиклаш Россиянинг ҳар бир ватанпарвари учун олий давлат сийсати борасида юксак устиворлик ҳисобланади... Қайта бирлашшга хизмат қиладиган ҳамма нарсалардан фойдаланиб қўлиш керак», дея давлат қилади. Демак бошқа гапга урин йўқ.

Зангиота туманидаги «Узусунакурвчи» акционерлик жамияти ишчилари, мутахассислари ҳам Россия Давлат Думасининг СССРни қайта тиклашга қаратилган асосиз қарорини қаттиқ қораламоқдалар. Омилкорлик, ташаббускорлик курсатиб хайрли ишларни русбга чиқаришмоқда. Бу ерда Олмониянинг «Лантехник Шонбергер» фирмаси билан ҳамкорликда озуқа экинларини уриб-йигиб берувчи янги комбайнини йиғишга мослашган кўшма корхона бунёд этилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича «Марал-125» комбайнининг иш унуми юқори. Боз устига у барча озуқа экинларини, шу жумладан кунгабкорани ҳам саранжомлаб беради. Синов тариқасида Зангиота туманида янги комбайннинг 40 дан ортиги йиғилди. Келажакда бағоят харилорпир булган бу аjoyиб техника учун зарур булган барча усқуналар ҳам шу ерда тайёрланади. Илгилар, мутахассислар билан фикрлашсангиз улар қомил ишонч билан: Ўзбекистон ташлаб олган йулига ҳаминша содиқмиз, дейишди.

Зеро, бундан бошқача бўлиши асло мумкинмас!

КИМНИНГ ТЕГИР- МОНИГА СУВ ҚУЙИШМОҚДА?

К. ҚАЮМОВА,
ишчи

Россиядаги муҳит мени хайрон қолдиради. Баъзида Президент ўз ҳолича, парламент ўз ҳолича ҳаракат қилади. Матбуотда истаган одамнинг «пустагини қоқил» ҳам мумкин. Айрим вайсақилар баланд минбарлардан туриб куракда турмайдиан

гапларни айтишади. Чунончи Жириновскийга ухшаганларнинг фикрларини қандай қилиб бамайхотир эшитишаркин. Энг ёмони Россиядаги муҳит қимларгапир кўл келди. Шовинистик руҳдаги унсурлар бундан усталик билан фойдаланишмоқда. МДХ мамлакатлари тақдирини кўп нарсалар аввало Россия танлайдиган йул ва унинг сийсатига ҳамда у кимнинг раҳбарлигида боришига боғлиқ эканлиги учун ҳам ўзбекистонликлар катта мамлакатдаги воқеаларни зур эътибор билан кузатиб боришмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, Россиянинг демократик тараққияти ва гудлаб-йишанидан манфаатдор эканмиз. Президент Б. Елпин номзодини қўллаб-қувватлаймиз. Чунки ҳозирги шароитда фақат угина ўтмишга қайтишга қарши тура олади.

Сунти йилларда Самарқандда ушлаб кўшма корхоналар иш бошлади. Энг яхшиларидан Бир Туркия билан ҳамкорликда бунёд этилган «Санжинтек» корхонасидир. Унинг ҳашаматли биноси икки йилда қуриб битказилди. Мосламалар ва замонавий технология АКШ, Германия, Швеция ва Италиядан келтирилди. Бу ерда йилига 3 минг тонна пахта қайта ишланади. Қувончли шуки, маҳсулотнинг 70 фоизи чет элга экспорт қилинади. Буларнинг ҳаммаси мустақил Ўзбекистонда эришилаётган муваффақиятларнинг кичик бир булагидир. Истиклол қуеши мангу бўлса, юртимизга куз тегмаса гузал Ўзбекистонимиз доварути жаҳонга кенг ёйилади!

ОФИР ТУҲМАТЛАРНИ УНУТГАНИМИЗ ЙЎҚ

А. ФАЁЗОВ,
фермер

Ота-бобомиз пахтакор утган. Яхши эслаймак, йил ниҳоятда оғир келган кезларда ҳам деҳқонларимиз ўзларини аямай меҳнат қилишди. Кечро-кундуз гузалар атрофида парвона бўлиб ҳар туп ниҳолни қалб қўри, меҳр зиеси билан ардоқлашди. Москва биздан илоҳи борича кўпроқ пахта талаб қиларди. Агар бирон хужалик раҳбари гапга экпш ёки боғни кенгайтириш учун озгина бўлса-да, пахта майдонини қисқартирса, боғи балога қоларди. Гуёки пахтадан бошқа нарсани уйлашга ҳаққимиз йўқ эди. Ўзбекистон қанчалик кўп оқ олтин етказиб бермасин барибир раҳмат эшитмади. Горбачев-Литачев командаси қалок қўли деҳқонимизни таҳқирлашгача бориб етди. Пахтасевар халқини жиловла тутиб турин, унинг усиб келаётган миллий ва сийсий онгини бутуш ниятида «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» дея аталмиш туҳматларни туқиб чиқариб халқимизни ниҳоятда қийнашди. Умрини оқ олтин етиштиришга бағишлаган, бир-икки бўлмасе-да, бор имкони билан экин парварнишлаган бригада бошқилари, бўлим бошқарувчилари қамоққа солинди. Ҳа, Москвадаги баъзи давлат раҳбарлигининг бизга раҳмати шу булди. Президентимиз Исрол Каримов фармони шарофати билангина «пахта иши» билан судланиб, республика ҳудудидagi ахлоқ тузатиш муассасаларида жазо муддатини утаётган маҳкумлар авф этилиб, улар ўз қалдронлари бағрига қайтдилар.

Мустақиллик туфайли мулк давлат тасарруфидан чиқарилди, талбиркорларга кенг йул очилди. Ойла аъзоларим билан фермерлар сафига қўшилдик. Поп районидagi «Тулпор» фермер хужалиги дастлаб қарз қутариб, 20 та мол сотиб олди. Ойлар мобайнида сидқилли меҳнат қилдик. Ҳозирги кунда қарамогимизда 850 қорамол, 350 та қўй, 9 та от бор. 62 гектар ерда озуқа етиштириб келаямиз. Хужалик шахсий манфаати эса умумий бўлмоқда. Фермер хужалигимизда ишлайётган ҳар бир кишининг уртача ойлик маоши 2 минг сўмдан ортиқни ташкил этаяпти. Зотли қорамолларни парварнишлаймиз. Утган йили марказий шифохона ва санаторийга 45 тонна сут, 67 тонна гўшт утказдик. Яқинда эса қишлоғимизда бўлиб утган Навруз тантаналарида 1 кило гўштин 25 сўмдан сотдик.

Биз утмишга қайтишни хоҳламаймиз. Равшанки, интеграция муаллифларининг баёнотлари: бутун дунёда интеграция аниқ равшан қурилиб турган эгу иш деб аниланади. Жаҳондаги кўпгина минтақаларга бу жараён ҳосидир...

Турри, тарихий тараққиятнинг ҳозирги босқичида барча давлатлар бир-бири билан боғлиқ. Лекин Европа иттифоқининг интеграция жараёлига етдишуви интеграциялашган давлатларнинг тула суверенитети, хоҳиши ҳамда уларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш принципларига асосланади. Содда қилиб айтганда МДХ давлатларининг айрим раҳбарлари зур бериб тикиштираётган ўз муаммоларини бошқалар ҳисобига ҳал этишга қаратилган интеграция эса Ўзбекистонга сира тўтри келмайди.

ЛОҚАЙДЛИК ЖАБР КЕЛТИРУР

Шивалаб ёққан емғирдан сунг ен-атроф янада яшнаб кетди. Қирлар оша эсаётган сабо гуду долалар ҳидини лимоққа уфиради. Автобус Қарши-Қамаши йуналиши бўйлаб олимлайди. Йулочилар сийрак. Енимдаги уриндиқда утирган йигитнинг қайфияти йўқ. Оғир уйга толганча узоқ вақт чўрқ этмай борди.

— Нега ҳомушсиз дустим?, — дея сўрадим уни узимга яқин олиб. — Лоқайдлик қалб фалажи, борни йўқ қиладиган касофат, — фикрини ифодаллаб йўқит. Ҳукуматимиз раҳбарлари қишлоқни, қишлоқ хужалигини изчил ривожлантириш учун ҳеч нарсани аяшмаяпти. Бу борда Президентнинг қўллаб ҳаётбахш фармонлари, Вазирлар Мақамасининг қарорлари эълон қилинди. «Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон ҳам деҳқонга курсатилган галдаги беқиес гамхурликдир. Бахтга қарши тарихий хужжатларнинг моҳияти баъзи ерларда омма онги шуурига чўқур сингилдирилмапти. Раҳбарларимизда ташаббускорлик, ташкилотчилик, бозор шароитида самарали ишлаш қобилияти сезилмапти.

Бир вақтлар Яқкабоб туманидаги Жуман Миклиев номи жамоа хужалиги республикага лонг таратганди. К. Саодатов раис бўлди-ю, иш орқага кетди. Дароматнинг тайини бўлмади қолди. Пировард натижада аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашди. Хужалик қарза ботди. Юртимиз газчилар макони бўлса-да аҳоли зангори олов, ичимлик сувидан баҳраманд булгани йўқ. Ҳаммом, клуб, малайий-маишый муассасалар талабга жавоб бермайди. Икки қаватли боғча негалди ешиб қуйилган. Йигит ва қизлар авария ҳолатидаги мактабда ўқилишмоқда. Янги илм маскани қурилиши негалди анча вақтдан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Йигит бир сония тин олиб, фикрларини жамлагач сўзида лавом этди:

— Мен лоқайдлик ҳақида бекорга гапирмадим. Юқоридаги камчиликларни қуриб турган бошқа кишилар нега жим? Наҳотки забарласт фермерлари, иқтидорли мутахассислари булган хужаликка лоқал битта мактабни хашар йули билан қуриб битказиш мумкин бўлмасе?! Кўнчилик тақлифи билан моҳир ташкилотчи Б. Ғулмом бошқарув раиси этиб сайланди. У энг шимариб ишга киришди. Ота хужалигимиз қолоқлар сафидан чиқса...

Россия Давлат Думаси ҳамда утмишни қўмсаётган баъзи арбоблар турли нағмалар курсатиб турган бир шароитда барчамиз ҳамқору ҳамжиғаб бўлиб мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун қатъий курашмишмиз керак. Лоқайд, қимларингидир ердаги куз тиккан иродасиз кишилар кўп нарсани бой бериб қўйдилар. Бу ҳаётий ҳақиқатдир.

ГЎЗАЛ БОҒЛАРИМ - САДОҚАТИМ

Р. МАМАДАЛИЕВ,
боғбон

Собиқ СССР давридаги 70 йиллик тарих биз учун катта сабоқ бўлди. Марказ Ўзбекистонга марҳамат қилиб гўят машаққат ила етиштирилган экин-пахта етказиб беришдек «шарафли» вазифани юклатганди. Президентимиз таъкидлаганидек, бу пахта билан Иттифоқда эман эмас, бутун социалистик лагер таъминланар, етиштирилган бутун ҳосилининг атиги 15 фоизини республикага қайта ишларди. Бу ҳам етганидек сўғориланган ерларимизнинг қарий 90 фоизига этиг экиллани учун экология бузилди, Орол қуриди... Энг ачинарлиси, ўзини аямай оқ олтин етиштирган ўзбек деҳқони кат топмади.


Собиқ Иттифоқ емирланган сунг республикаларининг ўз кучи унга қолди. Баъзиларида ҳаёт кечирпш ниҳоятда мураккаблашди. Бир вақтлар муаммоларни бошқа республикалар ҳисобидан осонгина ҳал этишга олатланган арбоблар нима қилишни билмай қолдишди. Уларни оқлаш учун юзага келган қўйин аҳолини СССРнинг ягона иқтисодий макони бузилгани билан изоҳлашга урина бошладилар. Ниҳоят «Теран интеграция» уйлаб топилди. Унинг ташаббускорлари давлатдан юқори турадиган тузилмалар билан биргаллик ҳамжамият унда иштирок етвчи ҳар бир мамлакат истиклолини ва мустақиллигини тула сақлаб қолган ҳолда тузилди, деб оқчилан-оқич устамонлик қилишаётганини сезиб туришимиз. Ҳўп, улар қандай иқтисодий маконни назарда тутишяпти. Юрбошимиз қачонларидир меҳнатни умумиттифоқ даражасида таъминлаш деб номланган, ҳар бир республикага маълум урин ажратилган, янги қимдир арзон хом аше етказиб бериладиган, қимдир эса бу хом ашени қайта ишлаб, даромат олган ҳамда ўзининг миллий дароматини барпо қилишни таъминлаган маконни тиклаш ҳақида гап кетаётганини очик-ойдин тушунтириб берди.

Олий боғбонман. Ҳалол меҳнат қилиб аjoyиб боғлар яратиш, шу йул билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўишни жононор ишим деб биламан. Умуман садақат амалий фаолият орқали баҳоланиши керак. Учқурликдаги «Узумзор» ширкат хужалигида топ-лоқ ерлар бор эди. Даштда узум етиштириб боғ барпо қилиш юзасидан муайян тажриба тушладим. Бир кун и улуг кишилардан бири эгасини кутаётган ерни обод қилиш ҳақида сўз очиб қолди. Очиги узимнинг ҳам ниятим шу эди. Эътиқолли, ташаббускор кишиларни енимга олиб, ойлар мобайнида қаттиқ меҳнат қилдик. Саъй-ҳаракат зое кетмади. 22 гетар ерда аjoyиб боғ барпо бўлди. Йил яхши келган кезларда халқимизга 60 тоннадан опириб урик тоширишга эришяпмиз. Мевали дарахларнинг турлари қўпайиб бормоқда.

Отақонлар маслаҳатига кура ана бир хайрли ишга қўл урдик. 30 сотих ерда лимонрий ташкил етдик. Шароитимиз оғирроқ. Аиниқса шамол хотиржам ишлашга имкон бермайди. Шундай бўлса-да хандлақлар қазиб лимонийнинг энг яхши навларини эдик. Баъзида ҳарорат пасайиб кетганида тезак тутатиб лимон қучатларини сақлаб қолдик. Учқурлик лимонлари деб таърифланса ҳеч ким ишонмайди. Йўқ, иштиек, мақсад сари далил интилиш бўлса, тошда ҳам тул ундириш мумкин. Ҳозирча истеъмолчиларга 4200 кило лимон тортиқ етдик.

Деҳқон ҳаминша эгу ният билан ишайди. Ҳурматли Президентимизнинг: «Мен тарихни зиддиятлар ва дуп-манлик эмас, ҳалқлар уртасидаги ҳамкорлик ва бир-бирига булган илшоч олга қараб жилдиришга аминман» деган сузлари барча ноз-неъмат бунёдкорларининг ҳам дилидаги гапдир.

Саҳифани тайёрловчилар:
Неъмат ЁҚУБОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ.



Бекобод шаҳридаги «Бекободцемент» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти республикадаги йирик саноат корхоналаридан биридир. Бу ерда цемент, асбест қувурлар, шифер, оҳак ишлаб чиқаришмоқда. Яқинда корхона Чехословакия фирмаси билан ҳамкорликда ишлаш юзасидан шартнома тузди. Корхона ишчилари яқдил бўлиб Россия Давлат Думасининг СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорини қатъий қораламоқдалар. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун омилкорлик, ташаббускорлик курсатиб ишламоқдалар.

Суратларда: 1. (чапдан ўнгга) моҳир ишчи Р. Ҳайдаров, ҳиссадорлик жамияти раиси И. Қурбонов ҳамда «Шухрат» медали ишондори Ш. Умарова ўзаро мулоқот чоғида. 2. Корхона цехларининг бири.

Т. МАҲКАМЗОДА олган суратлар.

